



ТАФАККУРИ ТАЪРИХ

ПОЗНАНИЕ ИСТОРИИ

KNOWLEDGE OF HISTORY

2023, № 4

Панҷакент - 2023

ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН
ДОНИШКАДАИ ОМУЌГОРИИ ТОҶИКИСТОН
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ



ТАФАККУРИ ТАЪРИХ
№ 4, 2023

ПОЗНАНИЕ ИСТОРИИ
№4, 2023

KNOWLEDGE OF HISTORY
№4, 2023

Панҷакент - 2023

МУАССИС:

Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар
шаҳри Панҷакент

Тафаккури таърих, 2023, № 4. –
Панҷакент, 2023. – 340 с.
Познание истории, №4, 2023. – Пенджикент,
2023. – 340 стр.
Knowledge of history, №4, 2023. – Penjikent,
2023. – 340 s.

Ҳайати таҳририя метавонад бо баъзе фикр ва
хулосаҳои муаллифони мувофиқ набошад. Ба
дурустии иқтибос, ҳаволаву пайнавиштҳо,
дараҷаи илмӣ, услуб ва баёни мақолаҳо
муаллифҳо масъуланд.

Мнение редколлегии не всегда совпадает с
мнением авторов. За достоверность цитат и
ссылок, научный уровень, стилистику статей
ответственны авторы.

The opinion of the editorial board does not always
coincide with the opinion of the authors. The
authors are responsible for the reliability of citations
and references, the scientific level, and the style of
the articles.

Дар вазорати фарҳанги Ҷумҳурии Тоҷикистон аз
16.02.2020 ба қайд гирифта шудааст (№148, 149)

Сармуҳаррир:

Ансорӣ Муаззамхон, профессор

Муҳаррири масъул:

Воҳидов Шодмон, д.и.т., профессор

Котиби масъул:

Шарифова Гулпарӣ, н.и.ф, дотсент

Манзил:

735500, Ҷумҳурии Тоҷикистон, вилояти
Суғд, ш.Панҷакент, хиёбони Рӯдакӣ –
106.

t-mail: pamir555@inbox.ru

Ҳайати таҳрирӣ/Редакционная коллегия/ Editorial team:

:
Аминов Б. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)
Арал Азизуллоҳ (Афғонистон)
Аханов Б.Ф. к.п.н., дотсент (Қазоқистон),
Боқий Набижон (Ўзбекистон)
Ғаффоров Ш.С. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)
Ғойибов Б.С. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)
Зайналов Ж.Р. д.ф.иқтисод. профессор
(Ўзбекистон)
Иноятов С.И. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)
Исакова М.С. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)
Кан Лина, доктори фалсафа аз фанни
таърих(PhD) (Хитой)
Қобулов Э.О., д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)
Қодирий Хондамир (Ўзбекистон)
Мирзаев Н. М. доктори фалсафа аз фанни
таърих(PhD) (Ўзбекистон)
Мирзоюнус М.М. д.ф.ф., профессор
(Тоҷикистон)
Муминов А.Қ. т.ф.д. профессор (Туркия)
Мухамедова Д.Ғ. д.ф.равон. профессор
(Ўзбекистон)
Наҷмиддинов Ф.Н. д.ф.иқтисод (Тоҷикистон)
Набиев В. д.ф.т., профессор (Тоҷикистон)
Расулов А.И. д.ф.равон. профессор (Ўзбекистон)
Раҳимов Н. д.ф.т., профессор (Тоҷикистон)
Резван Е. Т. д.ф.д., профессор. (Россия)
Саидов И.М. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)
Сангилова Д.Дж. н.и.т. дотсент (Ўзбекистон)
Сафаев Н.С. д.ф.п., профессор (Ўзбекистон)
Сафаров Т. Т. н.ф.т., дотсент (Ўзбекистон)
Сирочиддинов Ш.С. д.ф.ф., академик
(Ўзбекистон)
Тимур Хўҷаўғли, д.ф.ф.профессор (ИМА)
Турсунов С.Н. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)
Холиқова Р.Э. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)
Худойқулов Т. Д. д.ф.т., дотсент (Ўзбекистон)
Ҳайитов Ш.А. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)
Шамсиев Ў.Б. д.ф.п., профессор (Ўзбекистон)
Шодиева Ш.С. доктори фалсафа аз фанни
таърих(PhD) (Ўзбекистон)
Ҷумаев Р.Ғ. доктори фалсафа аз фанни
сиёматшиносӣ (PhD) (Ўзбекистон)
Эргашев Ж.Ю. доктори фалсафа аз фанни
таърих (PhD) (Ўзбекистон)
Эркинов А. С. д.ф.ф., профессор (Ўзбекистон)
Эшов Б.Дж, д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)
Эшонқулов И.А. н.и.ф., дотсент (Ўзбекистон)
Юлдашева Г.К н.ф.т., дотсент (Ўзбекистон)

© ДОТП, “Паёми донишкада”, “Анвори илм”,
“Тафаккури таърих” соли 2023.

Xulosa qilib aytganda Zandanicha matosi o'z-o'zidan paydo bo'lmagan. Uning yaratilishidan oldin ham bir qator matolar mavjud va mashhur bo'lib, zandanicha ana shu matolar texnikasini o'zida mujassamlashtirgan, ularni to'qilish usullarini yangilagan mato turlaridan bo'lganligi shubhasiz xalqimizning aql zakovati timsolidir. Bunday fikr va dalillarni ko'plab keltirish mumkin. Chunki dunyoning turli muzey va ko'rgazmalarida saqlanib kelinayotgan, tadqiq etilishini kutib yotgan Zandanicha matosi va uning tarixiga bo'lgan qiziqish faqatgina mustaqillik sharofati bilan mumkin bo'ldi. Bugungi kunda yurtimiz tarixi va xalqimizning boy madaniy merosini o'rganishda bu sohadagi ilmiy izlanishlar o'ziga xos ahamiyatga ega.

Foydalanilgan manba va adaboyotlar:

1. “Амир Тему́р жаҳон тарихида”. Париж 1996.
2. Vaissiere E. Sogdian Traders: A History. Transl. by J. Ward. Leiden: Brill, 2005.
3. Бичурин (Иакинф) Н. Я. “Собрание свидение о народах обитавших в Средней Азии В древнее времена.” Т-II М- Л. 1950.
4. Ёқубов Й. «Зарафшон юкори оқимидаги археологик ёдгорликларъ». Душанбе: 1977.
5. Кароматов. Ҳ. “Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи” Т.:”Ғафур Ғулом” 2008.
6. Муҳаммад Наршахий. “Бухоро тарихи” Т.:”шарқ машъали” 1993.
7. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. - М., 1982.
8. Смирнова О. И. “Очерки истории Согда” М.: “Наука” 1970.
9. Тему́р ва Улуғбек даври тарихи. Т.: “Қомуслар бош тахририяти” 1996.

Зарипов Содик Джураевич-
Бухоро давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси ўқитувчиси
Бухоро ш. Ўзбекистон.

БУХОРО ВОҲАСИ СУҒОРИЛИШ ТАРИХИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация. Инсонлар ҳаётида деҳқончилик маданиятининг ўрни, Бухоро воҳасидаги бепаён далаларни суғоришда Зарафшон сувининг аҳамияти, унинг бўлиниш шаҳобчаларига ҳам изоҳ берилади. IX-XI асрларда куйи Зарафшонда суғориш ишларининг кенгайгани, Мовароуннаҳрда, аввал Сомонийлар, сўнгра Қорахонийлар каби йирик феодал давлатларнинг ташкил топиши. Зарафшон сувини чекка худудларга етиб бормаганлиги оқибатида аҳолининг турмуш ҳаётидаги ўзгаришларга ҳам тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Деҳқончилик, Зарафшон, Вобкентдарё, делта, хўжалик, гектар, археологик, фарсах, маданий-этник, сувли ер, обикор, Мовароуннаҳр, Сомонийлар, Қорахонийлар, магистрал, Кампирак, Урганжий.

НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ ПО ИСТОРИИ ОРОШЕНИЯ БУХАРСКОГО ОАЗИСА

Содик Джураевич Зарипов
Преподаватель кафедры "Всемирной истории"
Бухара, Узбекистан.

Аннотация. Объясняется роль сельскохозяйственной культуры в жизни человека, роль Зарафшанской воды в орошении обширных полей в Бухарском оазисе и пункты ее распределения. Расширение ирригации в Нижнем Зарафшане в IX-XI веках, образование крупных феодальных государств в Моваруннахре, сначала Саманиды, затем Караханиды.

Также были упомянуты изменения в условиях жизни населения в связи с тем, что вода из Зарафшана не доходит до отдаленных районов.

Ключевые слова: дехканин, Зерафшан, Вабкентдаря, дельта, ферма, гектар, археологический, Фарсах, культурно-этнический, заболоченные земли, тирама, обикор, Моваруннахр, Саманиды, Караханиды, Кампирак, Ургенч.

SOME CONSIDERATIONS ON THE HISTORY OF IRRIGATION OF THE BUKHARA OASIS

Sadik Djuraevich Zaripov

Teacher of the Department of "World History"

Bukhara, Uzbekistan.

Annotation. The role of agricultural culture in human life, the role of Zarafshan water in the irrigation of vast fields in the Bukhara oasis, and its distribution points are also explained. The expansion of irrigation in Lower Zarafshan in the IX-XI centuries, the formation of large

feudal states in Movarounnahr, first the Samanids, then the Karakhanids. The changes in the living conditions of the population due to the fact that the water of Zarafshan does not reach remote areas were also mentioned.

Key words: Dehkan, Zarafshan, Vobkentdarya, delta, farm, hectare, archeological, c Farsakh, cultural-ethnic, wet land, tirama, obikor, Movarounnahr, Samanids, Karahanids. Kampirak, Urgench.

Дунё ҳамжамиятида илк цивилизациялар дарё ва сув ҳавзалари бўйида вужудга келади. Масалан, Қадимги Мисрда Нил ҳавзаси бўйида, Месопатамияда Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида, Ҳиндистонда Ҳинд ва Ганга дарёлари бўйида қадимги аҳоли манзилгоҳлари, шаҳар-давлатлар вужудга келган. Шу ўринда Бухоро воҳасининг шаклланиши, Қадимги аҳоли манзилгоҳлари, қишлоқ ва шаҳарларнинг тараққий этишида Зарафшон дарёсининг ўрни беқиёс ҳисобланади. Шу сабабли тарихчилар “Бухоро-Зарафшон дарёсининг туҳфаси” деб тақидлайдилар. Сабаби, Қадимдан Бухоро воҳасининг асосий сув манбаи Зарафшон дарёси ҳисобланган. Шунинг учун ҳам Бухоро воҳаси учун ҳақиқий зар манбаи бу – Зарафшон дарёси эди[5].

Қадим замонларда ўзининг кучли оқими билан Амударёгача етиб борган Зарафшоннинг кейинчалик узилиб қолиши Зарафшон воҳаси – Бухоро ва Самарқанд ҳудудларида минглаб гектарлаб ерларнинг ўзлаштирилиши оқибати эди. Суғорма деҳқончиликнинг доимий ўсиб бориши Зарафшон сувининг янада кўпроқ сарфланишига сабаб бўлди ва қачонлардир Амударёга қадар етиб борган дарё эндиликда воҳанинг ўзини сув билан таъминлай олмай қолди. Оқибатда Бухоронинг ўзида ҳам тез-тез сув танқислиги сезилиб турган.

Афсуски, антик давр ёзма манбаларидан келтирилган юқоридаги умумий маълумотлар Бухоро воҳасининг ўзлаштирилиши тарихий жараёни юзаки кузатиш учун ҳам мутлақо етарли далил эмас, шунингдек, биз тадқиқот этаётган масалалар ҳам муайян аниқлик кирита олмайди. Шунинг учун ҳам, қуйи Зарафшоннинг суғорилиш тарихи муаммоларини ёритишда кўпроқ археологик фактларга суянишга тўғри келади. Чунки, Бухоронинг турли тарихий даврларга мансуб бўлган ва ҳозирги кунгача сақланиб қолган моддий-маданий ёдгорликлари қуйи Зарафшоннинг ўзлаштирилиши тарихи билан ҳамма вақт боғлиқ бўлиб, воҳанинг суғорилиб обод этилишининг узок тарихий жараёнини ўрганишга тадқиқотчилар учун беҳад бой фактик маълумотлар берувчи ягона бош манба ҳисобланади [3,76].

Қуйи Зарафшоннинг ўзлаштирилиши динамикасини аниқлаш учун, аввало Бухоро воҳасида, айниқса, унинг қадимги суғорилган ерларида топиб текширилган археологик ёдгорликларнинг қисқа бўлса ҳам, умумий малумоти устида тўхтаб ўтиш нақсадга мувофиқдир. Бухоронинг қадимги суғорилган ерларининг асосий катта қисми Зарафшон

дарёсининг қуйи оқимида, унинг делта характеридаги қадимги йирик ирмоқларидан бири Вобкентдарё этакларида жойлашган бўлиб, у Бухоро воҳасининг ғарбий ва шимоли-ғарбий чегараси билан ёндашган. Жанубдан шимол томон қарийиб 55 км чўзилган бу деҳқончилик массивининг майдони тахминан 100-120 минг гектарга тенг бўлиб, унинг ташқи чегараси воҳанинг шимоли-ғарбий қисмида-ҳозирги обод ерлар зонасидан 10-12 км, ғарбда эса қарийиб 35 км ташқаридан Урганжий даштидан ўтади[3,77]. Бу жараённинг археологик манзараси мезолит даврининг ахён-ахёнда учраб турадиган чакмоқтош қуролларидан тортиб, то антик давр ва илк ўрта асрларнинг йирик иншоотлари-хом ғишт ва пахсадан бино қилинган қадимги шаҳарлар, қалъалар ва қасрларнинг харобалари ҳамда Қизилқумга туташиб кетган сувсиз бу ҳудудларнинг қачонлардир суғорилиб обод этилишида ҳаётбахш рол ўйнаган қадимги суғориш тармоқларининг қуриб қолган изларини ҳам ўз ичига олган хилма-хил археологик ёдгорликларнинг комплекси билан ифодаланган[3,77].

Бухоронинг қадимги суғорилган ерларида ўтказилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича илк ўрта асрларда, айниқса IX-XI асрларда қуйи Зарафшонда бир қанча йирик суғориш иншоотлари қурилиб, воҳанинг суғорма деҳқончилик ер майдони ниёҳатда кенгайган.

IX-XI асрларда қуйи Зарафшонда суғориш ишларининг кенгайгани тасодифий воқеа бўлмай, балки Араб халифалиги ҳукмронлиги тугатилгач, ўз мустақиллигини тиклаб олган Мовароуннаҳрда, аввал Сомонийлар, сўнгра Қорахонийлар каби йирик феодал давлатларнинг ташкил топиши туфайли мамлакатда содир бўлган иқтисодий ва маданий тараққиёт билан чамбарчас боғлиқ эди. Бу даврда фақат Бухоро воҳасигина эмас, балки бутун Зарафшон водийси тўла суғорилиб обод этилган.

X аср муаллифлари маълумотларга қараганда Бухоро воҳаси Самарқандга нисбатан обод ва кенг бўлган. Унинг обод ерлари 22 рустоққа (манзилгоҳга) бўлинган. Бу рустоқлардан 15 таси воҳанинг атрофини ўраган қадимги мудофаа истехкоми – Кампиракнинг ичкарасида, 7 таси унинг ташқарасида жойлашган[2,163-168]. Наршахий ва Истахрийлар ўз асарларида Бухоро рустоқларини сув билан таъминлаган йирик магистрал каналлардан 17 тасининг рўйхатини келтирадилар[6,34-35].

Истахрийнинг малумотларига қараганда, Бухорони кесиб ўтган Зар канали 12 шаҳобчага бўлинган[3,111]. Истахрий маълумотлари ва “Худуд ул-олам”да келтирилган маълумотга қараганда, Бухоро воҳасининг Кампирак девори билан ўраб олинган обод қисмининг узунлиги ҳам, кенглиги ҳам, 12 фарсах бўлган.

Бухоро воҳаси Исмоил Сомоний ҳукмронлик қилган даврда айниқса обод этилиб, унинг ташқи чегараси Кампирак деворидан анча кенгайтирилган. Ўз давлат чегарасининг Кампирак билан чекланишини истамаган Исмоил Сомоний деворни тиклаб туриш учун сарфланадиган харажат ва қилинадиган ҳашар ишларини бекор қилган[4,73].

Зарафшон воҳаси ўзбекларининг кўп қиррали кишлоқ хўжалиги асрлар оша тўпланган анъанавий тажрибага таянади. Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудини табиий-географик шароитига кўра учта кишлоқ хўжалиги зонасига бўлиш мумкин: тоғли ва тоғ олди зонаси (20,5 %), суғорма ерлар зонаси (18,5 %) ва бепоён дашт ҳамда яйловлардан иборат бўлган зона[7,89]. Аммо суғорма ерларнинг ҳаммаси ҳам суғоришга яроқли эмас. Тоғ тизмалари ва кум уюмлари орасида, дарё соҳаларида жойлашган зироатчилик воҳалари эса қадимдан деҳқончиликнинг ўзига хос марказлари бўлиб келган. Бундай ҳудудларга Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё водийларини, Зарафшон ва Хоразм воҳаларини мисол қилишимиз мумкин. Шу жумладан қуйи Зарафшон воҳасининг деҳқончилиги тарихий илдизлари анчайин қадимий даврларга бориб тақалади.

Археологларнинг таъкидлашларича, қадимги чорвадор қабилаларнинг деҳқончиликка ўтишини чинакам инқилобий ҳодиса дейиш мумкин. Бу ҳодиса неолит – янги тош даврига тўғри келади. Бундай ҳолат Ўрта Осиёда тўрт-беш минг йиллар муқаддам рўй берган ва узоқ давр давомида ривожланиб келган[3,112].

Зарафшон воҳаси деҳқонлари бошқа ҳудуд деҳқонлари каби энг қадимий аجدодларидан ўтган суғориладиган деҳқончиликни, кичик ва катта, оддий ва мураккаб суғориш иншоотлари ва тизимлари қурилишини, далаларни суғоришнинг ҳар хил усулларини агротехника усулларини яхши билганлар. Зарафшон водийсида неолит ва бронза даврларидан амал қилиниб келинган дарё сувлари кўпайганда сув босадиган қайир ва лиман ерлардаги зироатчилик то XX асрнинг 30-йилларгача сақланган.

Асли ҳайвон кучи ва омов ишлатиладиган суғорма деҳқончилик Зарафшон дарёси бўйларида милоддан аввалги III – II мингйилликлардаёқ кенг тарқала бошлаган. Ўша даврлардан бошлаб Зарафшон воҳаси унумдор ерлари ўзлаштирила бошланган.

Асрлар оша маҳаллий зироатчиликда ер унумдорлигини тиклаш ва агротехника услубларини такомиллаштириш, тупроқни уғитлашнинг ҳар хил усуллари пайдо бўлиб, суғориш ва шўрни ювиш каби усуллар кенг жорий қилинган. Айниқса милоддан аввалги II мингйилликда Ўзбекистоннинг кўпгина ҳудудларида йирик магистрал каналлар қуриш, ҳар хил сув тақсимлаш ва сув чиқариш иншоотларини тиклаш авж олган. Зарафшон воҳасида эса бу ҳол кейинги даврларга тўғри келади. Хусусан давлатчилик ривожланган пайтларда асосий эътибор суғорма деҳқончилик ривожига қаратилгани сир эмас.

Маҳаллий деҳқонлар маданий-этноанъаналар асосида деҳқончилик, полизчилик ва боғдорчилик соҳасида турли усул ва йўллари ишлаб чиққанлар. Илк зироатчилик даврларидаёқ улар ниҳоятда фойдали ўсимликларни, айниқса донли ва полиз экинларини ва ҳатто боғдорчиликни ҳам ўзлаштирганлар. Тадқиқотларга қараганда Зарафшон воҳаси аҳолиси сўнгги босқичдаги неолит ва энеолит даврларида буғдой арпа, тарик ва бошқа донли экинлар, ўрик, олма, нок каби меваларнинг айрим навларини хонакилаштирганлар[7,90].

Суғорма деҳқончиликни маҳаллий аҳоли “сувли ер”, “тирама”, “обикор” ёки “оби” ерлар деб атаганлар. Суғориладиган ерлар экин турига қараб дала ёки очиқ ерларга, боғдорчилик ҳамда полизчилик ерларига бўлинган. 1916-йилда Туркистон ўлкасининг учта вилояти бўйича (Сирдарё, Фарғона, Бухоро) 2,5 млн десятина экиладиган ерларнинг 2/3 қисми суғорма ерлар, қолгани баҳори (лалмикор) ерлар ҳисобланган. Суғорма деҳқончилик ниҳоятда катта меҳнат натижасида амалга оширилган. Йирик суғориш иншоотларини қуриш ва уларни мунтазам равишда ўз вақтида тозалаш ва таъмирлаш ишлари катта маблағларни, жуда кўп кишиларнинг уюшган меҳнатини талаб қилган. Бундай харажатлар ва оғир меҳнат даставвал кенг заҳматкаш аҳоли зиммасига юкланган ҳамда асрий жамоавийлик анъаналари асосида амалга оширилган.

Минг йиллар давомида тўпланган бой тажриба маҳаллий аҳолининг мураккаб сув ҳўжалиги тартиби ва техникасини яратиш ва уни ташкил қилиш ҳамда амалда жорий этиш йўлида муайян анъанани юзага келтирган эди. Ўтган асрда бундай ишларнинг жонли гувоҳи бўлган бир муаллиф ўз мулоҳазаларини қуйидагича изоҳлайди: “Зарафшон воҳасида ирригация тизими сув орқали ҳаммага ҳаёт бағишлаши билан, қон томири тизимига тамомила ўхшаб кетади. Турмушда сув ана шундай эҳтиёт қилинган. Сув бор жойда бойлик, экинзорлар, полизлар, боғ-роғлар, бир неча чақирим узоқлашсангиз қақраб ётган дашти биёбон...”[8,13]

Ўзбекистон табиий-географик шароити турлича бўлганлиги боис хилма-хил сунъий суғориш усулларидан фойдаланилган. Соё оқаваси, ҳавза ва ҳовузларда сув тўплаш, чиғирликлар орқали чуқурдан сув чиқариш, канал ва ариқлар орқали сув келтириш қадим замонлардан оқ сақланиб қолган. Ариқ ва каналларга дарёлардан сақа орқали сув чиқариш усули жуда кенг тарқалган. Бу нисбатан қулай ва ишончли усул бўлсада, аслида ниҳоятда мураккаб ва сермеҳнат иш ҳисобланган. Магистрал каналлар воҳадаги ерларни суғориш учун қазилиб, дарё қирғоқларининг ҳолатига қараб, унинг ўнг ва чап соҳилидан қазиб чиқарилган[3,36]. Мазкур каналлардан шахобчалар, сўнгра улардан майда суғориш тармоқлари ажралиб чиққан.

Катта-кичик каналларга ва ариқларга оддий тўғонлар қуриш йўли билан сув чиқариш техникаси кенг тарқалган. Шох-шабба, ажриқ ўтлар, кесак-тошлардан маҳсус

қорабура ёки бард ясаиб дарёнинг секин оқадиган жойларига ташланиб тўғон қилинган. Баъзан бундай тўғонлар мураккаб ирригация иншоотини ҳосил қилган. Қорабуранинг йўғонлиги баъзи пайтда бир неча метр, узунлиги эса бир неча ўн метр қилиб тайёрланган. Масалан, суғорма деҳқончиликнинг классик ўлкаси ҳисобланган Бухорода барча канал ва ариқлар ҳар йили кузда қазиб тозаланган, кейин тўғонлар очилиб, ариқларга сув юборилган.

Сув иншоотлари ва сув бўйидаги экин ерлари учун асосий хавф сув тошқини ҳисобланган. Бундай сув тошқинлари деярли барча дарёларда кузатилган. Асосан кучли сел келиши натижасида дарёларда сув кўтарилиб, қирғоқдан чиққан ва каналларнинг бош қисмини емирган. Бундай ҳолатлар доимо бўлиб турганлиги боис, маҳаллий аҳоли суғориш иншоотларини сув тошқини пайтида дарёларнинг кўтарилишини эътиборга олиб қуришга интилган. Асрлар давомида тўпланган тажриба асосида одамлар ҳатто тошқиннинг хавф

туғдириши пайтини олдиндан билганлар. Масалан, дастлабки тошқинлар Зарафшон воҳасида апрель ойининг бошларида юз берган ва у марзоб деб юритилган (Хоразмда “сунник” ёки “қамиш тошқини”). Иккинчи тошқин жуда кучли бўлиб анчагина лой-қумларни ва тошларни оқизиб катта хавф туғдирган. Бу тошқин суғориш даврига, яъни май ойларига, маҳаллий аҳоли тили билан айтганда жийда гуллаган вақтларга тўғри келган. Бу тошқинни Зарафшон аҳли “лоёб” деб номлаган. Учинчи марта юз берадиган тошқин эса июнь ойига тўғри келган. Бу тошқин Зарафшон маҳаллий аҳолиси орасида “чармоб” деб юритилган[7,93].

Бухоронинг дашт қисмида яшовчи чорвадор аҳоли азалдан кичик томорқа деҳқончилиги билан шуғулланиб келганлар. Улар ўзларининг полиз ва бошқа кичик экинларини қудуқ суви билан суғорганлар. Қудуқдан оддий мослама – қовға ёки меш пақирни арқон билан кўпинча ҳайвон кучи билан тортиб чиқариб сув олинган.

Маҳаллий аҳоли – деҳқонлар учун йилнинг маълум пайтларида энг оғир ҳашар ишлари бошланган. Барча суғориш иншоотларини ҳар йили тозалаб туриш шарт бўлган. Чунки лойқа сув бир йилда ариқларни лой билан тўлдириб қўйган. Йирик каналлар қазиш ва уларга тўғонлар қуриш айниқса оғир бўлиб, бу ишлар асосан қиш ёки эрта кўкламда бажарилган ва жуда кўп ишчи кучи талаб қилган. Мисол тариқасида Зарафшон воҳасидаги минглаб кишилар жалб этилган куйи Зарафшондаги ариқнинг тозалаш ишлари 15 кун давом этганини айтишимиз мумкин.

Бухоро воҳаси деҳқонлари ерни ботқоқланишдан сақлаш чораларини азалдан билганлар. Ботқоқ ерларнинг сувини қочириш учун зовурлар қазилган. Масалан, Бухорога яқин жойда қазилган Темур Захкаш деб аталган зовур анчагина қадимий. Сувсизлик ёки сув босиш хавфи маҳаллий деҳқонларни турли-туман маросимлар ўтказиш ва ҳар хил ирим-сиримларга амал қилишга ундаган.

Суғориш тизимининг кейинги даврлардаги ҳолати, жумладан собиқ совет ҳукумати даврида анчагина ривожланган бўлсада, Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистон худудларида оғир экологик хавфни юзага келтирди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Аминов.И . Бухоро худудидаги зовурлар, “Ромитаннома”, 1999. –Бухоро.127б.
2. Бартольд.Б.Б. Туркестан в эпоху монгольского нашествия.- Москва, 1963. С-452.
3. Муҳаммаджонов. А. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. - Тошкент.: 1972. –Б. 361.
4. Муҳаммедов.Х. Ўзбекистоннинг қадимий мудофаа иншоотлари тарихидан. Тошкент.:1960.-Б. 252.
5. Низомов А.,Раҳимова Г.Зарафшон: ўтмиш ва бугун. “Маърифат” газетаси, 2001 йил 15 май сони.
6. Наршахий. Бухоро тарихи.-Тошкент.: “Шарқ”1993. – Б. 120.
7. Жабборов И. Ўзбек халқ этнографияси. Тошкент.: “Ўқитувчи”. 1994.- Б. 89.

МУНДАРИЧА

Р/Т	НОМИ МУАЛЛИФОН	НОМИ МАҚОЛА	САҲИФА/СТ РАНИЦА
1.	АБДУЛАТИПОВ У.Ҳ. ЗАЙНИДИНОВА Ш.Ф.	НАЗАРИ КЎТОҲЕ БА ДОИРАИ ЗЎРОВАРЇ ВА МАСОИЛИ МАРБУТА БА ОН (тахлили фалсафӣ)	3
2.	АБДУЛҚОДИР НАҶМИДДИН	АНДЕШАҲО ДАР САРИ СИЛСИЛАИ ШЕЪРҲОИ «ҚИССАИ ҲИНДУСТОН»-И МИРЗО ТУРСУНЗОДА	9
3.	АБДУЛЛОЕВ Ш., ДАВРОНОВ Б., САМАДОВ М.	ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ИНТЕРЕС ШКОЛЬНИКОВ К ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЕ И СПОРТУ	13
4.	АБДУЛЛОЕВ Ш., САМАДОВ М.	ТАРЗИ ҲАЁТИ СОЛИМ ВА ТАРБИЯИ ҚИСМОНӢ	18
5.	АЗИЗОВ С.С.	САӢИИД БУРҲОНИДДИН МУҲАҚҚИҚИ ТИРМИЗӢ ВА АҲАМИЯТИ АДАБИИ «МАОРИФ»-И Ӣ	22
6.	ФАЙЗХӢЖА МАҲМУДОВ	НАҚШИ АБӢ РАЙҲОН БЕРӢНИ ДАР ҒАНОВАТИ ЗАБОНҲО	27
7.	АМИНОВ Б.	МЕЧЕТЬ И МАВЗОЛЕЙ В МЕСТНОСТИ АСТАНА АТА	29
8.	АМОНОВА С.	HOW DOES PERSONALITY INFLUENCE SECOND LANGUAGE ACQUISITION? (ON THE EXAMPLE OF EXTROVERSION AND INTROVERSION)	31
9.	АЮБОВ А.Р.	АСРОРИ НОМҲОИ КУҲАН	36
10.	БОЗОРОВ М. Ж.	ФАКТОРЫ АДАПТАЦИИ МИГРАНТОВ	41
11.	ҒАНИЕВА Б.Қ.	ВАҲДАТИ МИЛӢ - ВОЛОТАРИН ДАСТОВАРДИ МИЛЛАТ	44
12.	ГОРДЕЕВА Е.А.	ОТРАЖЕНИЕ ВЗАИМОВЛИЯНИЙ ОСЕДЛО- ЗЕМЛЕДЕЛЬЧЕСКОЙ И СТЕПНЫХ КУЛЬТУР ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В ТРАДИЦИЯХ ПОГРЕБАЛЬНОГО ОБРЯДА	48
13.	ДЖУРАЕВА Н.Н.	МЕСТО АНТРОПОЛОГИИ В ФИЛОСОФСКОМ УЧЕНИИ АР-РАЗИ	57

14.	ЖУРАЕВА Г.Б.	ОБУЧЕНИЕ ЧЕРЕЗ НАСТАВНИЧЕСТВО И КОУЧИНГ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОМ РАЗВИТИИ	60
15.	ҚОДИРОВА Л.Б.	ВИЗУАЛ МАНБАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ МАСАЛАСИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР	63
16.	МИРЗОЕВ С.	МАВЛАВОНО ҶАЛОЛИДДИНИ БАЛҲӢ ВА ВАҲДАТИ ИНСОНӢ (Ба муносибати 25-умин солгарди Ваҳдати миллии Ҷумҳурии Тоҷикистон)	69
17.	МУҲИДДИНОВА М.С.	“ТАРИХИ ХУМУЛИЙ” АСАРИДА МАНФИТ ҲУКМДОРЛАРНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ТАВСИФИ	77
18.	НАВРУЗОВ ЭМ.	ОСНОВНЫЕ ФОРМЫ И МЕТОДЫ ФОРМИРОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ТВОРЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ УЧИТЕЛЕЙ СРЕДСТВАМИ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ	85
19.	ПАРДАЕВ АСРОР	ПОЛОЖЕНИЕ МЕДИЦИНСКОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В КАШКАДАРЬИНСКОМ ОАЗИСЕ (НА ПРИМЕРЕ 1986-1990 ГОДОВ)	89
20.	ПАРДАЕВА С.Р.	“МАРШАЛ ОТА”	92
21.	ПУЛОТОВА З.А.	“ОСОРХОНАИ БА НОМИ РӮДАКӢ: 65- СОЛИ РУШД”	96
22.	RASULOVA S. C.	SOPOLLI MADANIYATINING TARIXSHUNOSLIGI	104
23.	САБУРИ Х.М., ЭРКАЕВ С.А.,	ТАШАББУСҲОИ БАЙНАЛМИЛАЛИИ ТОҶИКИСТОН ДАР МАСЪАЛАҲОИ ОБУ ИҚЛИМ	110
24.	САМАДОВ М.	ТАШАККУЛИ АРЗИШҲОИ ҶИСМОНӢ ДАР ТАМАДДУНИ ИНСОНИЯТ	115
25.	С.САТТАРОВ	ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ УСОВЕРШЕНСТВОВАННЫХ СОЛНЕЧНЫХ	119

		ВОДОНАГРЕВАТЕЛЕЙ УЗБЕКИСТАНЕ	В	
26.	СОЛЕХЗОДА С.Т., НОРОВ Н.Н.	СОВРЕМЕННЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ	И В	124
27.	ТОЧИБОЕВ Ш.	ВИЖАГИҲОИ СОҲТОРИВУ МУНДАРИҶАВИИ МАСНАВИИ “КОРНОМА”-И ИБНИ ЯМИН		128
28.	ТУРСУНОВА С.	ГУРҲУҶБАНДИИ ФЕЪЛҲО АЗ РУИ МАЪНО ВА ВАЗИФАҲОИ СИНТАКСИСИИ ОН		134
29.	ТУРСУНОВА С.	НАМУНАҲОИ СОҲТОРӢ БО ФЕЪЛИ ИФОДАКУНАНДАИ ТАБДИЛ ДАР ЗАБОНҲОИ АНГЛИСӢ ВА ТОЧИКӢ		141
30.	УМАРОВА ШОДОНА	КОРБАСТИ САНЪАТИ ТАЗОД ДАР ЧАНД ШЕЪРИ ФАРЗОНА		145
31.	УСМОНЗОДА А.И., ЭРКАЕВ С.А., ИСТАМКУЛОВ Дж. З.	ЭПОХИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИ И РАЗВИТИЕ ТОЧНЫХ НАУК		150
32.	ҲАЗРАТҚУЛОВА Э.	МАРИЯ САБТЕЛНИ – ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЙ МАНБАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚОТЧИСИ		156
33.	НАКИМОВА М.Р., РАТИҲЕВ Х.И.	МА’НАВИҲУ ТАРБИҲА - MILLAT MA’NAVIYATI VARNAUOTLIGINING MUNIM OMILI		166
34.	ҲАСАНОВА. М.И., БЛИНИЧКИНА Н. Ю.	ТАШАККУЛ ВА РУШДИ БОЗОРИ ХИЗМАТРАСОНИҲОИ ЭЛЕКТРОНӢ ДАР ИҚТИСОДИЁТИ МИНТАҚА		169
35.	ҲОМИДЗОДА О., МЕЛИКОВ Ф., РАВШАНОВ Ш.	ТАЪРИХ ВА НАҚШИ ТАРҶУМА ДАР ҲАЁТИ СИЁСӢ, ИҚТИСОДИҲ ВА МАДАНИИ ҚОМЕА		173
36.	ҲОҶИЕВ А.Қ.	БАРРАСИИ РУБОИЁТИ САДРИДДИНИ ХУҶАНДИ		178
37.	ШАРИФОВА Г.Ҳ.	МАКТАБИ ХАТТОТОНИ БУХОРО ДАР ОХИРИ АСРИ XIX ВА АВВАЛИ АСРИ XX (ДАР АСОСИ ФЕҲРАСТИ КИТОБҲОНАИ САДРИ ЗИЁ ВА		184

		САНЪАТИ КИТОБАТУ ХАТТОТӢ ДАР АМОРАТИ БУХОРО)	
38.	ФАТӢУЛЛОӢ (БУХОРИ)	МАҚМУАТ УЛ-КОТИБИН	188
39.	ШАМСИТДИНОВ А.Ф. НАДЖМИДДИНОВ Ф.Н.	РАЗВИТИЕ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ И ПОДДЕРЖКИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ УСЛУГ	199
40.	SHERMUXAMMEDOV A.A., XAYRULLAYEV A.I.	TEKNIKA OLIIY TA'LIM MUASSASALARIDA TALABALARNI KASBGA YO'NALTIRISHDA FIZIKA FANIDAN FOYDALANISH YO'LLARI	210
41.	ШУКУРОВ Ф.	ОБРАЗИ “ШИША” ДАР АДАБИЪТИ МУМТОЗИ ТОЧИК	215
42.	ЭРКАЕВ А.А., УСАНОВ Р.Т.	РОЛЬ И МЕСТО АБУ РАЙХАН БЕРУНИ В МИРОВОЙ НАУКИ	218
43.	ЮСУПОВ Ф. Ф.	МОӢИЯТИ СТРАТЕГИЯИ МАРКЕТИНГӢ ВА НАҚШИ ОН ДАР РУШДИ КОРХОНАӢОИ ҚУМӢУРИИ ТОЧИКИСТОН	224
44.	КАРИМОВА Г.Р.	АКАДЕМИК БОБОДЖОН ГАФУРОВ И ЕГО РОЛЬ В СТАНОВЛЕНИИ И РАЗВИТИИ АРХЕОЛОГИИ ТАДЖИКИСТАНА	227
45.	MIRZAYEVA N. J. TURSUNOVA M.	MIRZACHO'L VOHASI VA BUYUK KNYAZ N.K.ROMANOV	238
46.	САИДМУРОДОВА М.Т.	ӢОЛАТӢОИ РАВОНИ ВА ТАЪСИРИ ОН БА ӢАЪТУ ФАЪОЛИЯТИ ИНСОН (Қайдҳои равоншинос дар хошияи зиндагӣ)	242
47.	Фатхуллох Сабзаворӣ	БАӢНИ УСУЛ ВА ҚАВОИДИ ХУТУТ.	255
48.	ВОӢИДОВ Ш., ТЕМИРОВ Ш.	МУӢАММАД СИДДИҚ ӢАШМАТ, ПИСАРИ АМИР МУЗАФФАР (1864-1932) - ӢАЪТ ВА МЕРОСИ ИЛМИИ АСИРИ АРКИ БУХОРО (сарсухани “Девони Ӣашмат”)	299
49.	ҒАНИЕВА М.И.	ӢИФОЗАТ ВА ТАРМИМИ АШӢИ ОСОРӢОНАВӢ	314
50.	ERKINOVA N. M. ERGASHEV J. YU.	ILK O'RTA ASRLARDA SO'G'D MATOLARINING XALQARO	319

		SAVDODAGI ANAMIYATI	
51.	ЗАРИПОВ С. Дж.	БУХОРО ВОҲАСИ СУҒОРИЛИШ ТАРИХИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	321
52.	АЙМАТОВА З.Ф. ЭСАНОВА Д.	XX АСР ЎРТАЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ МУСУЛМОНЛАРИНИНГ ҲАЖ ЗИЁРАТИ	326
53.	ERGASHEV J., NAVRUZOVA M.	MAXSUS TARIX FANLARI TIZIMIDA PALEOGRAFIYANING O'RNI	329
	МУНДАРИЧА		319

